Ушбу сонда:

2 *Мухбир нуқтаи назари* ЭСКИ УСЛУБ ИСКАНЖАСИДА

3 *Ҳимоя минбари* ҚАРЗНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ

4 *Мафтункор ўлкам* ҒАФУР ҒУЛОМ ҚАҲ-ҚАҲАЛАРИ ЯНГРАГАН БОҒ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 2 май, чоршанба № 67 (1081)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ИХЛОС»ДАН «ҲАВАС»ГА

Урганчдаги Паҳлавон Маҳмуд номидаги спорт мажмуининг теннис кортларида катта теннис бўйича анъанавий «Ихлос» турнири бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманлари ҳокимликларининг ходимлари, корхоналар, муассасалар ва хўжаликлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этди.

Бу галги турнида теннисчилар ўз мураббийлари билан жуфтликда беллашди. Урганч шаҳар ҳокими В.Юсупов ва «Аму-Лада» акционерлик жамияти раиси А.Қутлиев турнирда ғолиб деб топилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ҳавас» республика турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай минг-минглаб фидойи ва матонатли ўғил-қизларининг хотирасини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялаш мақсадида:

1. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси фаоллари, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакилларининг мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август куни - Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

3. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик кенгаши, «Шаҳидлар хотираси», «Нуроний» жамғармалари, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ва ижодий уюшмаларга бир ой муддатда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин.

4. Бу йил мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига пухта тайёргарлик кўриш ва маросимни юксак даражада ташкил этиш мақсадида тузилган комиссия таркиби тасдиқлансин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини сайёҳлик йўналишлари рўйхатига киритиш, зиёратгоҳ ҳудудини янада ободонлаштириш ва бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш масаласини ҳал этсин.

6. Ўзтелерадиокомпания, ЎзА ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қатағон қурбонларини ёд этиш кунининг маъно-мазмунини ва тарбиявий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 1 май

МЎЛЖАЛ — ОЛИМПИЯ ЧЎҚҚИЛАРИ

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари

30 апрел куни мамлакатимиз ёш спортчиларини ўз бағрига чорлаган Жиззах шаҳри байрам шукухида. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими ўқувчи ёшларининг «Баркамол авлод» биринчи республика спорт ўйинлари бошланди.

Спорт жисмоний ва маънавий мукаммалликка эришмоқнинг муҳим воситасидир. Шунинг учун ҳам у ҳар бир ёшнинг доимий ҳамроҳи бўлмоғи, кундалик эҳтиёжига айланмоғи даркор.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари шуниси билан эътиборлики, у энг аввало ёш авлод қалбида Ватанга нисбатан муҳаббат, ғурур, фахр-ифтихор ҳиссини кучайтиради. Қолаверса, шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги, гуллаб-яшнашига замин яратади. Ушбу нуфузли мусобақанинг саралаш баҳсларида 276 мингга яқин ёш спортчи-ўқувчилар иштирок этганлиги ҳам хайрли ишга қўл урилганлигини тасдиқламоқда. Беллашувлар икки босқичда олиб борилди. Учинчи босқич — республика миқёсидаги ўйинларда эса Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон республикаси ҳамда вилоятлар ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари тасарруфидаги ўқув муассасаларининг ғолиб жамоалари ўз омадларини синаб кўрадилар.

Жиззах шаҳри, Пахтакор, Бахмал ва Ғаллаорол туманларидаги энг яхши спорт иншоотларида ўтказилаётган кураш, сузиш, баскетбол, волейбол, футбол, енгил атлетика, теннис бўйича ўтказилаётган мусобақалар илк «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ғолиб жамоаси ҳамда иқтидорли ёшлар номини аниқлаб беради.

Ана шулар ҳақида ҳамюртларимизнинг фикрига қулоқ тутамиз.

Бахтиёр Раҳимов, Жиззах шаҳридаги 2-касб-ҳунар мактаби директори ўринбосари:

— Шундай катта спорт мусобақаси она шаҳрим Жиззахда ўтаётганлигидан қалбим ҳайрат ва ҳаяжон, ғурурга тўлмоқда. Наздимда, шаҳримиз янада ёшариб, гўзаллашиб кетгандек. Одамлар чеҳрасидаги қувонч, нур бутун борлиққа таралмоқда ғўё.



Мазкур спорт ўйинларининг финал босқичида 22 нафар ўқувчимиз қатнашаётир. Улардан катта ғалабалар кутмоқдамиз. Хусусан, ядро улоқтириш баҳсларида Шавкат Маматазимов муносиб ўрин эгаллашидан умидвормиз.

Қодиржон Тўйчиев, Тўрақўрғон агроиқтисодиёт коллежи жисмоний тарбия ўқитувчиси:

— Мен Жиззахда биринчи бор бўлишим. Шаҳарнинг кўркамлиги ва ўзига хос қиёфаси мени мафтун этди. Айниқса, мезбонларнинг ширинсуханлиги, меҳмоннавозлиги қалбимни ром этди.

Мен Пахтакор шаҳридаги касб-ҳунар коллежи спорт базасида ўтказилаётган кураш мусобақаларида ҳакамлик қиляпман. Ўқув даргоҳимиз хусусида шуни айтишим мумкинки, коллежимизда 1080 нафар талаба таҳсил олади. 5 нафар ҳамкасбим билан ёшларга спорт сирларини ўргатиб келяпмиз. Меҳнатларимиз натижаси сифатида жамоамизда 18 нафар ёш кураш бўйича биринчи разрядли спортчилар эканлигини билдиришим мумкин.

Дарвоқе, Жиззахда спорт ўйинлари ўтаётган шу кунларда оммавий тадбирларга ҳам кенг ўрин берилаётир. «Баркамол авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани ана шулардан биридир.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Б.ТЎРАЕВ, А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

«ҲАЙДЕЛБЕРГ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Мамлакатимиз матбаа соҳаси кенг ислоҳ этилмоқда. Бу соҳада иш юритаётган барча корхоналар замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Янги корхоналар ташкил этилаётир. Янги технологиялар кўмаги билан мамлакатимизда замонавий сифат ва савияга эга бўлган рангли газета ва журналлар, илмий ва бадиий китоблар, таклифномалар ва шу турдаги бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти.

Германиянинг «Ҳайделберг» («Heidelberg») фирмаси Ўзбекистонда ноширлик йўналишида ишлаётган йирик компаниялардан биридир. Компания бу ерда ваколатхона очганига уч йил тўлди. Шу муносабат билан пойтахтдаги «Шератон» меҳмонхонасида бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондаги барча ноширлик корхоналари вакиллари, қўшни давлатлардан келган соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбирни фирманинг Шарқий Европа мамлакатлари бўйича бошқарувчиси В.Албрехт очиб, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади.

- Икки давлат муносабатларининг чуқурлашувида «Ҳайделберг»нинг ҳам ўзига яраша ўрни бор, - деди В.Албрехт. - Фирма Ўзбекистонда коммуникация тармоғини ривожлантириш, хусусан, ноширлик учун зарур бўлган энг замонавий технологияларни келтириш ва ўрнатиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришмоқда.

«Ҳайделберг» матбаа технологиялари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи фирмалардан бири ҳисобланади. 150 йиллик тарихга эга бўлган бу компания деярли барча давлатларда ўз ваколатхонасига эга. Ҳозир фирмада дунё бўйича 25 мингдан ортиқ ишчи хизмат қилади. Унинг ўтган молия йилидаги савдо айланмаси 4,6 миллиард еврога тенг бўлди. Жорий йилда бу кўрсаткични 5 миллиарддан ошириш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

ЭНГ ЯХШИ МУАЛЛИМ

Нукусда «Йил ўқитувчиси - 2001» анъанавий кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва туманларидан келган 17 нафар ўқитувчи «Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишга оид иш тажрибаларини намойиш қилди. Қизғин баҳс ва мунозаралар якунида Нукус шаҳридаги 31-мактаб ўқитувчиси Ардақ Муродбоева ғолиб деб топилди ва мамлакат муаллимларининг кўрик-танловига йўлланма олди.

МУНОСИБ СОВҒА

Сўнгги йилларда Ғузор туманида қувончли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан Сангишкон, Миришкор қишлоқларида замонавий мактаблар, Авғонбоғда эса қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. «Истиқлол» кооператив ширкат хўжалиги раиси Н. Аралов яна бир хайрли ишга қўл урди. Яъни, азиз фарзанди ёвга қарши курашда ҳалок бўлган нуронийларга бир бошдан сигир ҳадя қилинди. Шу кунларда эса олис манзилларга табиий газ етказиш саъи-ҳаракати олиб борилмоқда.

ҲАМЖИҲАТЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

Ўзбекистон Конституциясининг 18-моддасида «Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир», деган қоида белгилаб қўйилган. Ушбу қомусий мезон мамлакатга ном берган ўзбек халқи билан бир қаторда бошқа барча миллат вакилларининг тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатидаги ҳаёти ва улар ўртасидаги муносабатлар уйғунлигини таъминлашнинг асосий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Қуйидаги мақолада ҳам бу ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ИШЧИ ЧЕҲРАСИДА ТАБАССУМ

Ҳар куни ўзимга таниш, қадрдон йўлдан корхона томон борарканман, ишчиларга зимдан назар ташлайман. Улардаги кўтаринкиликни кўриб, қалбимга илиқлик югуради. Боиси, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришдаги пировард-натижа аввало одамлар кайфиятига, ўз бурчига қандай муносабатда бўлаётганига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Баъзида бир оғиз ширин сўз, оддий бир эътибор инсон кўнглини тоғдек кўтаради. Шу ўринда бир мисол. Валентина исмли қўли гул ишчининг машқи пастроқ кўринди. Касабақўм раиси сифатида сезиб юрардим. Негадир сўнгги вақтларда у одамови бўлиб қолди. Маврудини топиб, ҳол-аҳвол сўрадим.

— Ҳушёрлигингизга қойилман, - деди у, сўнг бироз ўйга толгач дилидагини айтди. - Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Ота-онам кексайганда дардман бўлиб қолишди. Қолаверса, умрдошим ҳам касалхонада. Шу денг, иқтисоддан бироз қийналиб қолдик.

Шу куни корхона раҳбарлари, касаба уюшма қўмитаси аъзолари билан фикрлашиб, ишчи мушкулини осон этдик. Кўп ўтмай, ҳаёти изга тушиб кетди. Валентина ўз миннатдорчилигини амалий фаолият орқали намойиш этиб, унумлироқ, баракалироқ ишлашга киришди.

Одамлар қалбига йўл топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, хайрли ҳаракатларини кенг оммалаштириш яхши самара беряпти. Зиммамизга масъулиятли вазифа юклатилган. Республикамиздаги кимё саноати корхоналари учун замонавий ускуналар, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга даъват этилганмиз. Ҳозирги кунда цехларимизда 1500 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритмоқда. Иш жойлари озода, ҳар бир цехнинг ўзига хос файзи бор. Дам олиш жойлари кўнгилдагидек жиҳозланган. Ўртача ойлик маош 20 минг сўмни ташкил этади. Сўнгги вақтларда хавфсиз ва қулай иш шароити яратишга эътибор кучайди. Ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Нисбатан мураккаб шароитда фаолият кўрсатаётганларга қўшимча имтиёзлар яратилган.

Энг катта ютуғимиз, бойлигимиз кўпмиллатли кишилар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатлик, меҳру оқибатнинг кучлилигидир. Тўйларимизда бўлсангиз, ҳавасингиз келади. Тантаналарда ўзбек, рус, корейс, қозоқ ва бошқа тилдардаги куй-қўшиқлар янграйди. Ишчи чеҳрасида мамнунлик аломатини кўриш, орзуларимиз ушалаётгани касабақўм раиси сифатида ўзимни ҳам ғоят руҳлантиради.

Ишчи-хизматчилар таклиф-мулоҳазалари тўла инобатга олинган ҳолда тузилган жамоа шартномасида меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида ўрин берилган. Хусусан, икки қаватли кўркам бинони соғломлаштириш масканига айлантирдик. Катта маблағ ажратилиб, тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди. Шифо маскани бир вақтнинг ўзида 50 кишига хизмат кўрсатади. Ишчи истаган пайтда шифокорларга мурожаат этиши мумкин.

50 ўринли профилакторийимиз бор. Айниқса ёз ойларида у меҳнатчиларнинг севимли масканига айланади. Улар бола-чақалари билан кўнгилли дам оладилар, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. «Сижжак», «Карамкўл» болалар оромгоҳларидаги шароит ҳам барчага манзур бўлмоқда. Ёзги дам олиш мавсумида навбати билан 1200 нафар фарзандларимиз бу шинам гўшаларда бўладилар. Ўғил-қизини соғлом, хушчақчақ кўрган ота-онанинг кайфияти кўтарилади, унумли меҳнат қилади. Агар ишчи тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида бирон муаммо туғилса, касаба уюшма сиҳатгоҳга имтиёзли йўлланма ажратади.

Ишчи-хизматчилар ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатилаётган, ижтимоий ҳимоя намунали йўлга қўйилган, маош юқори бўлган жамоамизда ишлашни ихтиёр этаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Мураббийчилик ҳаракати шарофати туфайли лаёқатли, қўли гул кадрлар тайёрлашга эришаяпмиз. Кимё саноати учун ишлаб чиқарилаётган ускуналар, нефт ва газ саноатида ишлатиладиган трубокомпрессорлар юқори сифатлилиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, кенг истеъмол моллари тайёрлаш кўпаяётганлиги боис, корхона иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бормоқда. Барчамизнинг ниятимиз энг улуғ, ардоқли байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олишга қаратилгандир.

Анатолий БУГАЕВ, Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

турмуш тарзи ойнаси

Сирғали туманидаги «Наврўз» маҳалласига қадам ранжида қилишингиз билан мевали, манзарали дарахтлар, кўркам бинолар, гулзорларни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Эрта кўкламда уюштирилган ҳашарда катта ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Йўллар қурилди, маҳалла биноси атрофига асфальт ётқизилди.

Файзли гўшада яшаётган кўпмиллатли кишилар бир-бирлари билан ҳамкору ҳамжиҳат, ёшлар тарбиясига барча масъулият билан киришган. Шу ернинг ўзида теннис, биллиард, компьютер ўйинлари хонаси ташкил этилган. Санъаткорлар, шоиру ёзувчилар билан ўтказилаётган учрашувларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўляпти. Фаоллар ҳар бир хонадондаги шароит, фарзандлар тарбияси билан яқиндан танишиб борадилар. Лозим бўлса, амалий ёрдам кўрсатадилар.

Қувончлиси шуки, «Наврўз» жонкуярларининг ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботини йўлга қўйиш, спортнинг ҳарбий-амалий турларини ривожлантириш ҳамда ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан ишлашда кўрсатган жонбозлиги, шахсий намунаси шарофати ила Тошкент шаҳар «Ватанпарвар» кенгашининг фахрий ёрлиғи қўлга киритилди.

Мустақиллик туфайли ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Маҳалланинг жамиятимиздаги тутган ўрни янада кенгайди. Туман ҳокимлиги буни назарда тутиб, ўтган йили намунали масканда замонавий гузар барпо қилишга 2 миллион сўм маблағ ажратди. Зоҳид Зарипов, Нуриддин Исмоилов, Лутфулла Тўлаганов, Амиржон Икромов, Убайдулла Рўзиқулов, Эркин Абдурахмонов сингари саховатпешалар ўта муҳим, савобли ишда фаол иштирок этдилар. Мазкур ҳудуддаги «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси, металлни иккиламчи қайта ишлаш корхонаси ҳам қурилишга яқиндан ёрдам берди. Қайсидир ташкилот шифер, қувурлар ажратди. Пироварднатижада ажойиб гузар барпо бўлди. Унда маданий-маиший, савдо муассасалари намунали фаолият юритмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жорий йилнинг бошидан буён 2 ёшгача боласи бўлган 256 оилага, 16 ёшгача фарзанди бор 327 хонадонга белгиланган миқдордаги моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилаларга коммунал тўловлар учун 165 минг сўм мадад пули ажратилди.

«Наврўз» маҳалла аҳли ҳар йили «Хотира ва Қадрлаш куни»ни уюшқоқлик билан ўтказади. Чойхонада, мактабларда уруш қатнашчилари, табаррук инсонлар билан ёшлар учрашувлари ўтказилади. Фахрийлар оловли йилларда юртим деб, жигарларим деб жангга кириб, мардлик, қаҳрамонлик кўрсатган юртдошлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Бу йил учун белгиланган тадбирларда боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, хайрия тадбирлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Маҳалла гузаридаги чойхона кечки пайтлар гавжум. Олти кишидан иборат «Тўй-маросимлар кенгаши» аъзолари биргаликда ҳар бир тўю тантанани ихчам, замонавий, бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказиш юзасидан маслаҳатлар берадилар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ажойиб анъаналаримиз қайта тикланмоқда. Феврал ойида ёнғин ҳавфсизлиги бўйича ўтказилган тадбирларда маҳалла туманда биринчи, шаҳарда эса иккинчи ўринни эгаллади. Наврўзликларнинг ниятлари катта. Яқин кунлар ичида уй бекалари учун тикув цехи ташкил этиш режалаштирилган.

— Маҳалланинг муқаддас ташвишларини ўз оиламиз ташвиши деб биламиз, - дейди табаррук инсон Низом Умрзоқов. - Боиси, маҳалла тинч, юрт тинч. Яна бир хайрли ишга қўл урдик. «Устоз-шогирд» дастури асосида касб-ҳунар ўқув марказини очиш ҳаракатидамиз. Ҳокимлик томонидан 30 сотих ер спорт мажмуаси қурилиши учун ажратилди. Катта ҳашар уюштириб, савобли ишда барчамиз иштирок этамиз.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: маҳалла оқсоқоллари Зоҳид Зарипов ва Низом Умрзоқовлар ёшлар билан суҳбатда.

Икром ҲАСАНОВ
олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя

ОНА ДИЛБАНДИМ ДЕЙДИ

Комбинатимиз Қорақалпоғистондаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиздаги турдош корхоналар орасида биринчилардан бўлиб компьютер тизимига ўтдик, Германиядан келтирилган замонавий матбаа дастгоҳлари ўрнатилди. Бу сифатга ижобий таъсир этди. Шунинг учун ҳам буюртмачилар ишимиздан мамнун бўлишмоқда.

Ўтган йили салкам 150 миллион сўмлик иш бажарилди. Олинган соф фойда эса 2 миллион 626 минг сўмни ташкил этди. Бу эса жамоамиз аъзоларининг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш имконини берди. Ҳар бир цехда махсус дам олиш хоналари ташкил этилган. Тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган соғломлаштириш марказида меҳнаткашлар ишдан ажралмаган ҳолда саломатликларини яхшилаш имконига эга. Ҳар бир ишловчи белгиланган вақтда тиббий кўрикдан ўтади. Лозим топилганларга бепул металл тишлар қўйилади. Сарф-харажат корхона ҳисобидан. Шунингдек, ҳар йили 20 нафар касаба уюшма аъзосига «Иссиқ булоқ», «Гулпаршин» ва «Сарибий» санаторий-профилакторийларига йўлланмалар ажратамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг кўмаги билан ўтган ёз мавсумида 45-50 нафар ўғил-қиз Тошкент вилоятидаги ҳамда Эллиққалъа туманидаги болалар оромгоҳларида мириқиб дам олиб қайтишганди. Бу йил ҳам 45 нафар бола ёзни кўнгилли ўтказиши учун шу масканларга юборилади.

Комбинатимиз меҳнат аҳлининг аксарияти аёллардир. Оналар ва болалар йилида хотин-қизлар яхши ишлаб, мазмунли дам олишлари учун қатор имтиёзлар яратилди.

Алламурат ИСМАТОВ,
Нукус матбаачилик комбинати касаба уюшма қўмитаси раиси.

Беш йил илгари «Навоий-мермер-Даш» Ўзбекистон-Туркманистон қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Корхонага 320 минг АҚШ доллари миқдорида баҳоланган Эрон технологияси ўрнатилган ва бу ерда маҳаллий хом ашёдан йилига 20 минг квадрат метр йўлак плиталари ишлаб чиқарилаётганди.

БУЮРТМАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ўтган йиллар мобайнида қўшма корхонада маҳсулот сифати кескин ошди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги қурилишларга, Навоий вилоятининг Конимех, Томди, Кармана туманлари ҳамда Навоий шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари қурилишига 100 минг квадрат метрдан зиёд йўлак плиталари етказиб берилди. Жамоа ўтган йилнинг ўзида 28 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарди.

- Маҳсулотимиз сифати кафолатланган, - дейди қўшма корхона раҳбари Т.Нажимов. - Пишиқ ва бежирим плиталаримиз истеъмолчиларга манзур бўлаётир. Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллик юбилейи муносабати билан вилоятимизда барпо қилинаётган ва қайта таъмирланаётган иншоотларга 20 минг квадрат метр йўлак плиталари етказиб бериш буюртмасини олганмиз. Ҳозиргача маҳсулотнинг 80 фоизини тайёрлаб бердик. Жамоамиз бу йил 50 миллион сўмлик соф фойда олишни кўзлаган.

КОРХОНАДА ТЎЙ

Балиқчи туманидаги нотўқима матолар ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида яна бир хайрли иш амалга ошди. Гап шундаки, корхона меҳнат жамоасининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Уларга барча шарт-шароит яратилиши билан бирга никоҳ тўйларини ўтказишни ҳам эндиликда корхона ўз зиммасига олган. Абдураҳмон Худоёров ва Манзурахон Ғозиева, Собиржон Арслонов билан Нигорахон Маҳмудоваларнинг бахт тўйлари жамият ҳисобидан бўлди.

Жамоа раҳбари Одилжон Толипов ва касабақўм раиси Мамадали Маҳкамов унутилмас тадбирга бош-қош бўлишди. Уларнинг фикрича, жамоадаги аҳиллик, яхши кайфият, қулай дам олиш шароити меҳнат самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатяпти. Корхона 2000 йилни 54 миллион сўм соф фойда билан якунлаган эди, жорий йилда меҳнатсеварлар янада кўпроқ даромад олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

М.АБДУКАРИМОВ.

Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Авазниёз ота ўзининг «Аҳмад Қўнғирот» фермер хўжалигида ажойиб ёрдамчи ишлаб чиқаришни ташкил этди.

АВАЗНИЁЗ ОТА БОЙЛИГИ

Бу йилги баҳорда фермер 2,5 гектарга яқин майдонни эгаллаган ташландиқ қўлни ижарага олди. Қўлни тозалаб, кенгайтириб, сув ҳавзасини чуқурлаштирди ва яқинда бу ерга 150 килограмм зоғорабалиқ, оқ амур, бошқа балиқ турлари увилдириғини қўйиб юборди.

Ўтган йили сув тақчиллигига қарамасдан, А.Аҳмедовнинг фермер хўжалигида 6,5 тонна пахта, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштирилиб, яхши даромад олинди. Бу йил эса уддабурон фермер бошқа маҳсулотлардан ташқари 10 тонна балиқ етиштириш ниятида.

Касаба уюшма ҳаёти

ДАМ ОЛИШНИ ҲАМ БИЛАЙЛИК

Олмалиқ шаҳрида салкам 118 минг аҳоли истиқомат қилади. Турли миллатга мансуб кишиларнинг фарзандлари шаҳардаги 20 та боғча, 22 та мактаб, 7 та мактабдан ташқари ташкилотларда таълим-тарбия оладилар. Уларга билим берувчи 2815 нафар ўқитувчи ва тарбиячини ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатликларини тиклаш борасида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Олмалиқ туман қўмитаси хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Касабақўм ўз фаолиятида 43 та бошланғич ташкилотга таяниб иш юритади. Санаторий ёки профилакторийга бориш истагида бўлган кишиларнинг аризалари бошланғич ташкилотда кўриб чиқилади, қарор шаҳар қўмитасига тақдим этилади, касабақўм қарори билан ариза берувчи имтиёзли йўлланмага эга бўлади.

— Мурожаат қилган одам навбат кутиб қолмайди, — дейди касабақўм раиси Иноят Эргашева. — Ҳар бир ариза асосида вилоят тармоқ қўмитасига буюртма берамиз. Қисқа вақт ичида илтимосимиз қондирилади.

2000 йилнинг якуний рўйхатида санаторийга керагича йўлланма ажратилганлиги ва у кимларга берилганлиги қайд этилганлигини кўрамиз. Йил мобайнида жамоадаги ҳар 55 кишига бир дона йўлланма тўғри келибди. Ариза-ларда кўпроқ «Хумсон», «Чинобод», «Умид гулшани» каби санаторийларга хоҳиш билдирилган. Ўтган йили профилакторийга икки ҳисса кўпроқ ариза берилди. Бунинг сабаби — нархлардаги фаркда кўринади.

Шундай кишилар борки, кўплаб йиллар ўз вазифасида сидқидилдан меҳнат қилади, яхши ишларнинг ташаббускори бўлади. Улар кўпинча ором нималигини билмайдилар. 19-мактаб ўқитувчиси, умрининг 30 йилдан кўпроқ вақтини ёш авлод тарбиясига бағишлаган И.Алёнина ана шундай кишилардан бири. Унга бир неча бор санаторийга йўлланма таклиф этишганида у уйимни таъмирлашим керак, дея йўлланмани олмади. Ўйлаб қоласан, киши. Ахир инсон дам олишни ҳам билиши керак. Ўқитувчилардан Рихси Ҳалилова, Нортожи Толиповалар тиббиёт хулосаси билан ҳар икки-уч йилда бир марта санаторийларда даволаниб, дам олиб турадилар.

— Саломатлик инсон учун энг катта бойлик, — деди касабақўм раиси Иноят Эргашева. — Имкон даражасида ишловчиларни санаторий ва профилакторийларга йўлланмалар билан таъминлаб турибмиз. Фақат ишчи-хизматчиларимиз имкониятдан унумли фойдаланса бўлгани.

Темур ҲАЙДАРОВ.

Ислоҳот мевалари

ҚОҒОЗБОЗЛИК БАРҲАМ ТОПДИ

Вазирлар Маҳкамасининг бозорлар фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори самараси ўлароқ мамлакатимизда улар тизимида замонавий-намунавий тузилма — очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш, акциялар назорат пакетини барпо этиш, уларни молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўтган вақт мобайнида ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатишларига қулай шароит яратиш, ҳуқуқларини муҳофаза этиш ёки қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, пойтахтимиздаги «Авиасозлар» деҳқон бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида замонавий компьютер тизимига ихтисослашган янги тизим йўлга қўйилди.

—Бу эса маъмурият ва тадбиркорларга анча қулайлик туғдирди, — дейди ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси Ботир Солиҳов. — Чунки илгарилари бозор ҳудудидаги тадбиркорларнинг кўпчилиги ойлик патта тўловларини вақтида тўламаслик, ноқонуний тўловларнинг ундирилиши оқибатида давлат бюджети зарар кўрарди. Ҳозирда бу ҳолатларга чек қўйилди.

Тадбиркорларга барча қулайликлар яратилган. Имзоланган шартномага асосан улар ойлик патта тўловларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олишган. Йўлга қўйилган янги тизимнинг афзаллиги шундаки, компьютер базасида уларнинг шахси тўғрисида барча маълумотлар сақланади. Ким қайси бўлим, қатор, ўринда жойлашганлиги ва тадбиркорликнинг қайси тури билан шуғулланиши экранда намоён бўлади. Бундан ташқари келиб тушаётган тўлов миқдорини ҳеч ким камайтириб ёки кўпайтириб кўрсатиш имконига эга эмас. Солиқ таянч пункти ходимлари билан ҳам доимий алоқа йўлга қўйилган. Молиявий масалалар ҳам ҳиссадорлик жамияти раиси томонидан қаттиқ назорат остида. Энг муҳими ортиқча қоғозбозликнинг барҳам топганидир.

Бозор ҳудудида кўрилган тадбирлар ўз самарасини беряпти. Шунингдек, бу ерда ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи юридик маслаҳатхона, нотариус хизмати ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Довур ТУРОН,
«Ишонч» мухбири.

«ҲАЙДЕЛБЕРГ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Компания қисқа вақт ичида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан йирик лойиҳаларни амалга оширди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси кўмаги билан Янгийўл китоб фабрикаси, Тошкент ва Нукусдаги полиграфия комбинатлари, Самарқанддаги «Тонг» босмахонаси «Ҳайделберг» технологияси асосида қайтадан жиҳозланди. Ушбу босмахоналарда, асосан, мактаб ўқувчилари учун китоблар, ўқув қўлланмалари ва бошқа турдаги матбаачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Юртимизда анча довруғ қозонишга улгурган «Растр» ва «Гротекс» босмахоналари ҳам шу фирма технологияси асосида ишлайди.

1 май куни «Ҳайделберг» иштирокида қайта жиҳозланган икки корхона - Янгийўл китоб фабрикаси ва Тошкент полиграфия комбинатининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Эрта-индин эса Самарқандда «Тонг» босмахонасининг очилиш маросимини ўтказиш режалаштирилган.

Семинарда йиғилганларга «Ҳайделберг»нинг Марказий Осиё давлатларидаги фаолияти, истиқболдаги режалари ҳақида маълумот берилди. Фирма томонидан ишлаб чиқарилган янги технологиялар намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов иштирок этди.

Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзА мухбири.

Мухбир нуқтаи назари

ЭСКИ УСЛУБ ИСКАНЖАСИДА

Шўрчи бир вақтлар Сурхондарёнинг қишлоқ хўжалиги, саноати ривожланган туманлардан бири эди. Хўжалик ва корхоналардан донгдорлар, ташаббускорлар етишиб чиққан, илғор тажрибалар кенг оммалашган. Бахтга қарши, сўнгги йилларда бу ерда эришилаётган натижалар кутилган даражада бўлмаяпти. Бозор шароитида ҳар бир инсон хоҳ у раҳбар бўлсин, хоҳ деҳқону тадбиркор, омилкорлик кўрсатиши, иқтисодиётни юксалтириш омилларидан унумли фойдаланиши даркор. Бокимандалик кайфиятидан халос бўлинмас экан, тараққиётга эришиб бўлмайди.

Шўрчилик ғаллакору пахтакорлар неча йилдирки, кўзланган хирмонни уя олишмаяпти. Депсиниш сабаблари ва сабоқлари билан яқиндан танишиш мақсадида туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмад Ўсаров ҳамроҳлигида машина-трактор парки давлат ҳиссадорлик жамиятида бўлдик. Ишчилар билан фикрлашдик. Очиғи, улар хизмат бурчига сидқидилдан муносабатда бўлишяпти. Ғалла ўрими мавсумига 7 та «КЕЙС», 10 та «Енисей» ва «Нива» комбайнлари тахт қилиб қўйилибди. Созловчилар вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

Бахтга қарши, таъмирчилар учун яратилган шароит талабга жавоб бермайди. Дам олиш хонаси ночоргина. Керакли жиҳозлар етишмайди. Илғорларни рағбатлантириш, сиҳатгоҳларга йўлланмалар бериш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Энг ёмони, ишчи-хизматчилар ойлар мобайнида маош олишолмаётган экан.

Бунинг сабабини ҳиссадорлик жамияти раиси Рустам Авазовдан сўраш учун ҳузурига ташриф буюрганимизда, у «йиғилиш» борлигини рўкач қилиб, хайрмаъзурни насия қилди. Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, бу ерда жамоа шартномаси қабул қилинмаган. Ҳатто, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат таътили жадвалини ҳам кўрсата олишмади. Ҳужжатларни, хусусан, меҳнат дафтарчасини юритишда жиддий камчиликлар мавжуд. Касаба уюшма қўмитаси меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш омиллари билан кўпда қизиқмаётир. Техника хавфсизлиги бўйича жўяли иш қилинмаган. Фақат 50 нафар комбайнчигина махсус кийим билан таъминланган. 227 нафар ишчи-хизматчи сабр-қаноат билан ойлик маош берилишини кутмоқда. Корхонанинг иш ҳақидан 10 миллион сўм қарздорлиги мутасаддиларни ташвишлантирмаётганлиги ажабланарлидир. Боз устига ижтимоий суғурта бадалидан ҳам қарздорлик мавжуд.

Ҳиссадорлик жамиятида юзага келган ташвишли ҳолнинг асосий сабаби шуки, раҳбару мутахассислар бозор шароитида ишлашга ўзларини тайёрлай олмадилар. Ҳал қилувчи дамларда уларда тажриба, билим, омилкорлик, ташаббускорлик етишмади. Муаммоларни ўз кучлари билан ҳал этиш ўрнига кимларнингдир ёрдамига кўз тикдилар. Иқтисодиётни юксалтириш омилларидан фойдаланилмади. Шу боис, эндиликда ишчи-хизматчиларга нима дейишларини билишмаётир.

Бозор талаби қатъий. Ҳиссадорлик жамияти маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб, ишни янгича талаблар асосида ташкил қилмас эканлар, депсиниш давом этаверади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Ибрат

ҲУҚУҚ ИЛМИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Узун туманида 61 та мактаб бор. Уларда жами 32750 нафар ўқувчи таълим олади. Ўтган йили ёз ойларида туманнинг тоғли ҳудудларида рўй берган воқеалар Ватан ҳимоячиларининг мислсиз қаҳрамонликлари мактаб болаларининг мурғак қалбларида бир умрга муҳрланиб қолди.

— Улар она тупроқни кўз қорачиғидек асраш нақадар оғир, бироқ шарафли иш эканлигига чин дилдан ишонч ҳосил қилдилар. Ҳаётнинг ўзи ўқувчиларимизга бир умрга эсдан чиқмайдиган сабоқ берди, - дейди туман халқ таълими бўлими маърифат ва маънавият маркази мудири Усмон Тоғаев.

Биз мактаблар билан танишар эканмиз, бир нарсага аҳамият бердик: туман ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари мактабларда тез-тез бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан ботбот учрашувлар ўтказиб туришар экан. Бундан асосий мақсад ўқитувчилар ва айниқса ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдир. Биз юқорида Узун туманидаги воқеаларни бежиз мисол қилиб келтирмадик. Яқинда туман прокуратурасининг масъул ходими Бахтиёр Ибодов катта мактаблардан бирида учрашув ўтказар экан, шундай саволни ўртага ташлади: Тоғлар орқали юртимизга суқилиб кирган ярамаслар кимлар?

Прокуратура ходими ўзи ўртага ташлаган саволга бафуржа жавоб берар экан, Ватан мустақиллиги, давлат суверенитети ва даҳлсизлиги деган тушунчаларни жаҳон эътироф этган халқаро қонун-қоидалар нуқтаи назаридан атрофлича изоҳлаб берди. Тушган саволларга муфассал жавоб қайтарди.

Айтиб ўтиш керакки, ҳуқуқий-сиёсий мавзудаги бундай қизиқарли учрашувларда шахсан туман прокурори Зиёдулла Раҳмонов, шунингдек ички ишлар ходимлари иштирок этадилар. Суд ва ИИБ ходимлари мазкур ҳудуддаги барча ўрта ва таянч мактабларини гуруҳларга бўлиб олган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчилар орасида мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб бораётирлар.

— Маориф ва ҳуқуқ-тартибот тизимларининг бундай ўзаро алоқаёсини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур, - дейди етмиш ёшли отахон Нусратулло Шоймардонов, — мен ўзим кўп йиллар маориф соҳасида меҳнат қилганман. Лекин бизнинг даврда бундай алоқалар йўқ эди. Зотан эски тузум ўзи халқимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлишидан бутунлай манфаатдор эмасди. Энди эса замон ўзгарди. Бу яхши ишлар — мустақиллигимиз шарофатидан, албатта.

Д. РУСТАМОВ.

Ҳимоя минбари

ҚАРЗНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ

Саволларингизга Тошкент шаҳар «Adolat-himoya» адвокатлик фирмасининг адвокати Абдувосит ИНОЯТОВ жавоб беради

КОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

САВОЛ: Мен бир танишимга катта миқдорда қарз берган эдим. Бу тўғрида қўшниларим гувоҳлигида тилхат ёздириб олганман. Лекин танишим, ҳозирча пулим йўқ, беролмайман, топганимда бераман, деб анчадан бери мени овора қилмоқда. Бу ишни ҳал этиш учун қандай қонуний йўл тутишим керак? Уни жиноятчи дейиш мумкинми?

Абдумалик ТУРДИЕВ, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Агарда танишингиз сизнинг пулингизни эгалик қилиш ҳуқуқингизни алдаш ёки ишончингизни суиистеъмол қилиш йўли билан олган бўлса, у ҳолда унинг хатти-ҳаракатида жиноят аломатлари бор, деб тахмин қилиш мумкин. Жиноятчи деб фақатгина суд томонидан айби исботланган шахсни айта оламиз. Агарда танишингиз сизнинг пулингизга эгалик қилиш учун уни алдов йўли билан олган бўлса, албатта унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган фирибгарлик аломатлари мавжуд бўлади.

Ушбу моддага келтирилган шарҳларда қуйидагилар ёзилган:

Фирибгарлик усули сифатидаги алдов, ёлғон маълумотларни етказиш ёки билиб туриб илгаридан қандайдир вазиятларни очиб, гўё уларни етказиш мўаррардек қилиб кўрсатишдан иборат. Фирибгарликдаги алдовнинг бошқа алдовлардан фарқи шундаки, у бошқа одамларнинг мулкига эгалик қилишга ёки шу мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ишлатилади.

Эҳтимол, сизнинг танишингиз аҳлоқли инсон бўлгани ҳолда ҳақиқатан ҳам сизни алдамасдан, ўзининг кўзлаган мақсадига эришиш учун ҳалол қарз олган бўлиши мумкин. Лекин бизга номаълум узрли сабабларга кўра пулни ўз вақтида қайтара олмагандир. Бу ҳолда агар сизлар тузган шартномангиз қонун талабларига жавоб берса, сиз ўз пулингизни фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суд орқали ундириб олиш ҳуқуқига эга эканлигингизни унутманг. Маслаҳат тариқасида айтмоқчиманки, юридик маълумоти бўлмаган турли шахсларнинг ўзлари ўйлаб топган маслаҳатларига ишонавермасдан, мутахассисларга мурожаат қилсангиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Акс ҳолда пулингиздан ажраб қолишингиз мумкин. Пул беришдан олдин ҳам қонунга риоя қилиш йўлларини билиб олсангиз ёмон бўлмайди.

САВОЛ: Магазинга борган эдим, ёш болам қўлимдаги 200 сўмлик пулни тортиб йиртиб юборди. Сотувчи эса пулни олмади. Дўкон мудирига мурожаат қилган эдим, халқ банкида алмаштириб беришади, дея жўнатди. Унинг бу ҳаракати тўғрими?

Шерали ЙЎЛДОШЕВ, Бектемир тумани.

ЖАВОБ: Дўконда йиртиқ пулни олишлари керак эди. Ҳар бир магазин кундалик тушумни инкасса орқали банкка топширади ва бу масала юзасидан сизни овора қилиш шарт эмас. Йиртиқ пулни нафақат халқ банки, балки бошқа банклар ҳам алмаштириб беради. Сизга маслаҳат сифатида шуни айтишимиз мумкинки, агар ушбу дўконда «Шикоят ва таклифлар» дафтари бўлса, албатта бу ходиса тўғрисида ёзиб қўйганингиз маъқул.

САВОЛ: Мен хотиним билан турмушим яхши бўлмаганлиги сабабли ажрашиш учун судга ариза бермоқчиман. Лекин судни икир-чикир масалалар билан безовта қилмай, яъни ўртадаги мол-мулкни ўзаро келишган ҳолда бўлмоқчи эдик. Хотиним менга тўйдан олдин тоғам совға қилган «Москвич-412» автомашинасининг ярим пулини берасан, деб талаб қилмоқда. Буни ҳатто совға ҳам эмас, балки менга қолган мерос деса ҳам бўлади. Чунки автомашина буволаримники эди. Нима қилишимиз керак?

Дониёр ИСМОИЛОВ Зангиота тумани

ЖАВОБ: Хотинингиз мутлақо ноҳақ! Чунки эрхотиннинг турмушдан олдинги мол-мулклари бўлинмайди. Сизга мерос қолган автомашина сизнинг бўлинмас шахсий мулкингиз ҳисобланади. Буни хотинингизга тушунтиринг. Қонун бўйича мерос ёки васият қилиб қолдирилган буюмлар, мулк шахсий мулк ҳисобланади. Агар хотинингиз судга мурожаат қилса, Сиз мерос тўғрисидаги ёки баъзи бошқа, никоҳ қургунга қадар совға қилиб олинган буюмларнинг нотариал тасдиқланган ҳужжатларини тақдим этасиз.

Дактилоскопия тарихидан

Бугунги кунда жиноятчиликни фош этиш, жиноят иштирокчиларини аниқлашда бармоқ изларидан нусха олиш амалиётининг кенг қўлланилаётганлигидан ҳаммамиз хабардормиз. Лекин унинг криминалистика фани дунёсига қандай, ким томонидан олиб кирилганлиги ҳақида кўпчилик билмаса керак.

1877 йилнинг 5 августида Британия маъмуриятининг хизматчиси Вильям Хершел Бенгалия қамоқхоналарининг Бош инспектори номига хат йўллайди. Хатда мана бундай сўзлар битилганди: — «Ушбу хат орқали мен сизга ўзимнинг шахсни аниқлаш борасида олиб борган изланишларим тўғрисида маълумотномани юбормоқдаман. Бу усул оддий бўёқ ёрдамида ўнг қўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоқ изларини олишдан иборат.

БАРМОҚ ИЗЛАРИ — БЕТАКРОР

... Ўйлайманки, борди-ю бу усул амалда татбиқ этилса, жиноятчини аниқлаш ва жиноятларни таққослашда содир этилаётган ҳар қандай кўзбўямачилиг-у камчиликларга чек қўйилган бўлур эди.

Мен охирги 20 йил давомида бармоқ излари олинган минглаб карточкаларни тайёрладим. Ҳозир ана шулар асосида ҳар бир шахсни ҳеч бир қийинчиликсиз аниқлашим мумкин...»

Хершел илк бор қоғозга туширилган бармоқ изларини кўздан кечираркан, улардаги папиляр чизиқлар бир-бирига умуман ўхшамаслигидан ҳайратланди. Бармоқ изларини солиштириб кўриш унга бир шахсдан бошқа шахсни осонликча ажратиб олишни ўргатди.

Шундай қилиб, Вильям Хершел 19 йил давомида бармоқ излари устида тадқиқот ишларини олиб борди ва шу нарсага амин бўлдики беш, ўн, ўн беш ва ҳатто ўн тўққиз йил давомида ҳам одамнинг бармоқ изларининг ўзгаришсиз қолаверар экан.

Вильям Хершел Ҳиндистоннинг Хугли шаҳрида ҳинд аскарларига маош тўлаш жараёнида жуда катта қийинчиликларга дуч келар, бунинг асосий сабаби эса асли европалик бўлган Хершелга ҳиндларнинг ҳаммаси деярли бир хилдек туюлгани, исмлари ҳам бот-бот такрорланавериши эди. Ўз маошини олиб кетган ҳиндлар яна келиб маош олмаганликларини таъкидлашар, маошларини қайта талаб қилар, баъзан дўстлари ёки қариндошларини такроран маош олиб келишга жўнатар эдилар.

Ҳиндларни бир-биридан ажрата олмаган Хершел уларнинг исмлари қайд этилган рўйхат ва квитанцияларга ўнг қўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоқ изларини босишга мажбур қилар, шу йўсинда уларни бир-биридан осонликча ажратиб оларди.

Хориж матбуоти асосида Б. Эрматов тайёрлади.

(Давоми бор).

Истеъмолчи талабини ҳисобга олиш, сифатли маҳсулотларни сотиш, харидорни алдамаслик зарур. Шунинг учун ҳам «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Қонун асосида Самарқанд вилоятида ҳам тегишли жамият тузилди. Қисқа вақт ичида жамият аъзоларининг сони 20 фоиздан ошди. Иштихон тумани, Каттақўрғон шаҳрида бўлимлар ташкил қилинди. «Нуроний», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, истеъмолчиларга ўз ҳуқуқлари тушунтирилмоқда.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Фуқаролар турли масалаларда жамиятимиз аъзоларига мурожаат қилишмоқда. Масалан, ўтган йили коммунал хизмат бўйича 201, савдо бўйича 165, алоқа бўйича 85, маиший хизмат бўйича 18 ҳолатда (жами 500дан ортиқ) истеъмолчиларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниб, ҳуқуқлари тикланди.

Хусусан, фуқаро Е.Салоҳиддинова Самарқанднинг машҳур «Сиёб» бозоридаги 1-дўкондан 18 минг сўмга телефон аппарати сотиб олган. Аммо сотувчи бундай русумдаги телефон аппаратлари хонадон учун эмас, идораларга мўлжалланганини тушунтирмаган. Оқибатда бир неча кундан кейин харидор аппаратни қайтариб келтирган. Сотувчи эса пулни эгасига бермаган. Бу харидор ҳуқуқини менсимасликдир. Хуллас, жамиятимиз аралашуви билан масала ижобий ҳал бўлди.

Р.ХОЛБЕКОВ, Самарқанд вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси.

КОНСТИТУЦИЯ –ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ

Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишида Асосий Қонуннинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш вазифаси қўйилган эди. Бу борада жойларда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Андижон вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида ҳам амалий ишлар қилинмоқда.

Конституциямизни пухта ўрганиш мақсадида турли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилаётир. Навбатдаги шундай тадбир вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ходимлари, институт ўқитувчилари, курсларда малака ошираётган тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчилари Қомусимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти хусусида фикр-мулоҳаза юритдилар. Уни ўрганиш, моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш борасида тўплаган тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Айни пайтда институтда Конституцияни ўрганиш юзасидан дастурлар, методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш устида самарали иш олиб борилмоқда. Бу — аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

М. КАРИМОВ, журналист.

ПУЛГА ТУЗОҚ ҚЎЙГАНЛАР

Хурсия Элмуродова Муборак туманидаги иккинчи митти туман, 24-уйда яшайди. Спиртли ичимликлар билан савдо қилиб, чўнтагини пулга тўлдираётган бу чаққон жувон қонун-қоидани писанд этмади.

Газни қайта ишлаш заводи қошидаги бозорчада роппароса 16 турдаги 271 дона спиртли ичимлик сотиб турган бу пулпараст шахс солиқчиларга на савдо-сотиқ билан шуғулланиш ҳақидаги рухсатномани, на ичимликлар сифати ҳақидаги ҳужжатни кўрсата олди. Ундан спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олинди.

Қарши шаҳридаги Фурқат кўчасида истиқомат қилувчи Зулфия Рустамова, Ўзбекистон кўчасида яшовчи Эдем Ивазовлар ҳам Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги Қароридан бехабарга ўхшайдилар. Бўлмаса одамлар гавжум жойларда рухсатсиз ва ҳужжатсиз, боз устига акциз маркасисиз ароғу шарбатларни сотмаган бўлишарди... Балким кўриладиган чоралардан кейин уларнинг хаёллари жойига келар.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ.

Нукусдаги «Ёш авлод» маркази раиси Гулнора Жапоқовани кўпинча ҳаёт қайнаган жойда учратасиз. Моҳир ташкилотчи, сўз устаси йигит-қизлар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда намуна бўлмоқда. У мустақиллик йилларида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар, дунё воқеалари хусусида қизиқарли суҳбатлар уюштирмоқда.

О.МУРАТОВ (ЎзА) олган сурат.

ГИЁҲВАНДЛИК - БАЛОСИ

Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Гиёҳвандлик - аср вабоси» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари, олий ўқув юртлари, маҳаллалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни вояга етказиш, уни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишлари, жумладан, гиёҳвандликка қарши аёвсиз кураш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Айниқса, ёшларнинг бундай ёмон иллатларга берилишининг олдини олиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида кенг кўламда амалий ишлар қилинмоқда. Бу борада ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг зарари ва фожиали оқибатлари хусусида тушунтириш ишларини олиб бориш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича ишларни янада жонлантириш зарурлигига эътибор қаратилди.

(ЎзА).

ҚАЧОН ФЕРМЕР БЎЛАМАН?

Ажаб савдолар

Тадбиркор бўлиш қандай яхши. Мулк эгаси сифатида мустақил фаолият кўрсатганга нима етсин! Афсуски, тадбиркор бўлиш бахтига, мана олти йилдирки, эришаолмаяпмиз. 1995 йил эди ўшанда. Оила аъзоларимиз ва яқин қариндошлар маслаҳатлашиб, «Уста Қуронбой» деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этишни ният қилдик. Муддаомизни ўзимиз яшаётган «Хоразм» ширкат хўжалиги раиси А.Жуманиёзовга етказдик.

У ҳам рози бўлди. Ҳужжатларни тайёрлайверинг, деди. Икки ой югур-югур қилиб уч-тўрт нусхада деҳқон-фермер хўжалигининг дастури, бир қанча йиғилишлар баённомалари, рўйхатлар, чизмалар ва ҳоказоларни тайёрладик. Ниҳоят, 1995 йилнинг 24 октябр куни Қўшкўпир туман ҳокимининг «Уста Қуронбой» деҳқон-фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги 645-сонли қарори чиқди.

Қарорда муҳр, штамп ишлатиш, «Тадбиркорбанк»да шахсий ҳисоб рақами очишга рухсат этилган эди. Яна елиб-югуриб бу юмушларниям бажардик. Энди ширкат хўжалигидан ер олиш ва худо баракасини берсин деб, астойдил меҳнат қилиш қолган эди. Шу ерга келганда пешонамиз деворга урилгандай бўлди. Ширкат хўжалиги раиси А.Жуманиёзов ер сўраб мурожаат қилган аризамизни олмади. Кейинги йили бераман деди. Кейин индинги йил деди. Хуллас, фермер бўлолмадик. 1999 йил янги раисимиз Фарҳод Рўзимовга ер сўраб бордик. У киши ҳам аризамизни олмади. «Фермерлик тўғрисидаги Қонун»га биноан раис аризамизни олиб, уч кун ичида жавобини айтиши керак эди.

Шундан кейин олдин туман ҳокимига, ундан натижа бўлмагач вилоят ҳокимига шикоят билан мурожаат қилдик. Шу йилнинг 31 январида Хоразм вилояти ҳокимига ёзган шикоятим бўйича Қўшкўпир тумани ҳокими Б.Ражабов қуйидаги мазмунда хат юборди: «Сиз «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга биноан ер олиш учун ширкат хўжалиги раисига мурожаат қилинг». Ҳокимнинг хатини ўқиб таажжубга тушдим. Ахир мен ҳокимга ширкат хўжалиги раиси аризамни олмаётганлигини, деҳқон фермер хўжалигини тузолмаётганимни айтиб, шикоят қилган эдим-ку! Наҳотки менингдек оддий бир фуқаронинг хатини улар ўқиб ҳам кўришмаган бўлса?!

Шундан сўнг 2 ҳафта туман ҳокими қабулига қатнаб кираолмадим. Вилоят ҳокимлигида ҳам шу аҳвол такрорланди.

Мен бир неча саволлар гирдобида қийналаяпман: Бизнинг туманда тадбиркорликка қачон кенг йўл очилади? Ер бермас экан, ҳоким нега қарор чиқарган? Нега бир тўп ҳужжатларни тайёрлатишди?

Оиламизда ўн жонмиз, фақат бир одам ишлайди. Бошқалар ишсиз. Ўн йилдан буён пудратчиман. Ҳар йили шартномавий режаларни бажараман.

Мустақил диёримизнинг янада гуллаб-яшнаши учун тадбиркорлик фаолиятим билан ўз ҳиссамни қўшишни ният қилган эдим. Минг афсуслар бўлсинки, мутасаддилар менинг ҳаракатларимни қўллаб-қувватлаш ўрнига бор онангга, бор отангга қабилида иш тутишяпти. Бу ҳолда мен қачон фермер бўламан?

Ширин РАҲИМОВА, Қўшкўпир тумани «Хоразм» ширкат хўжалиги, 8-бригада пудратчиси.

«Олимпиада умидлари - 2001»

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР

Бир неча ой мобайнида мактабларда, шаҳар ва туманларда ўқувчилар ўртасида ўтказилган «Олимпиада умидлари - 2001» мусобақалари Андижон вилоятида нихоясига етди. Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида ўтказилган баҳсларда 300 мингдан ортиқ ўқувчи ёшлар спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, стол тенниси, қўл тўпи, шахмат, енгил атлетика турлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Мусобақаларнинг учинчи, вилоят босқичи тантанали ёпилиш маросими Андижон шаҳридаги жаҳон андозаларига мос қилиб бунёд этилган «Наврўз» ўйингоҳида ўтказилди. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Истиқлол йилларида вилоят спортининг ташриф ёрлиқларидан бирига айланиб қолган бу муҳташам ўйингоҳ марказий майдонидан ғолибона ўтиш бўлғуси олимпиадачиларда фахр-ифтихор туйғуларини пайдо этади, албатта. Ёш каратэчилар, қиличбозу боксчилар, гимнастикачиларнинг чиқишлари байрамга ўзига хослик бахш этди. Шу ўринда вилоят ҳокимлиги ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга, мактаб ўқувчиларининг спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароит яратишга катта эътибор бераётганлигини таъкидлаш жоиз. Шу туфайли вилоят халқ таълими ҳамда маданият ишлари бошқармалари, спорт қўмитаси ва оммавий ахборот воситалари «Олимпиада умидлари - 2001» мусобақалари ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Ниҳоят, ғолиб ва совриндорлар аниқланадиган ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Андижон шаҳридаги 2-мактаб баскетболчи йигитлари, қизлари ва теннисчилари, 18-мактаб футболчилари ҳамда 1-гимназия енгил атлетикачилари, Булоқбоши туманидаги 10-гимназия волейболчи йигитлари, Балиқчи туманидаги 8-ўрта мактаб волейболчи қизлари, Қўрғонтепа туманидаги 8-махсус мактаб гандболчи йигитлари, Олтинкўл туманидаги 19-мактаб гандболчи қизлари, Пахтаобод туманидаги 4-мактаб шахматчилари ғолиблик нашъасидан баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, Андижон, Асака, Шаҳрихон шаҳарлари, Асака, Булоқбоши, Шаҳрихон, Жалолқудуқ, Бўз, Олтинкўл, Қўрғонтепа, Марҳамат, Хўжаобод, Пахтаобод туманларидаги бир қатор мактабларнинг жамоалари ҳам совринли ўринларни қўлга киритдилар. Уларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ғолиб жамоалар мусобақаларнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

М. КАРИМОВ.

Мафтункор ўлкам

ҒАФУР ҒУЛОМ ҚАҲ-ҚАҲАЛАРИ ЯНҒРАГАН БОҒ

Баҳор адир-қияликлардан, ариқ бўйларидан бошланади, дейдилар. Менга қолса, бу фасл даставвал Наманган шаҳридаги Бобур номли истироҳат боғидан бошланади, дегим келади. Негаки, қиш ҳали оппоқ поёндозини йиғиштирмасдан туриб боғнинг 22 гектарлик ҳудудидаги кўкатлар ниш уради. Ғулзор пайкаллари бўйлаб сиз билган, билмаган ниҳоллар бўртади. Момақаймоқлар қишнинг оппоқ поёндози ортидан жилмаяди.

Дарҳақиқат, Наманган истироҳат боғи ўзининг анвойи гуллари-ю, гулзорлари, дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган манзарали дарахтлари-ю осмонга интилган фавворалари, ёшларнинг севимли маскани саналган мовий кўли, турли-туман болалар ўйингоҳлари-ю бўйчан чинорлари бағридаги Ғафур Ғулом қаҳ-қаҳалари жаранглаган чойхоналари билан бутун Ўзбекистонга довруғ солган.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллик тўйи нишонланадиган 2001 йилда жамоамиз мавсумга муносиб ҳозирлик кўрди, — дейди боғ раҳбари Одилжон Каримов. — Турли жойлардан энг сара гул кўчатларидан келтирдик. Бундан ташқари, мавжуд гулзорлар парвариши кучайтирилди, ҳамма гуллар ости юмшатилди. Маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирилди. Шаҳар ҳокимлиги кўрсатмасига биноан ташкилот бу ишларни амалга оширишда ёрдам берди. Боғ атрофи панжаралари-ю бош ва рамзий дарвозалардан тортиб борлиқ ўйингоҳлар, катта-кичик ашёларгача бирма-бир қўлдан ўтказилди. Ҳудудимиздаги мавжуд 7 чойхона, 8 та ошхона, 7 жойдаги музқаймоқ шаҳобчаси таъмирланди. «Тинчлик» «Наврўз» майдонларида қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Бу ишларнинг бажарилишида вилоят электр қурилишлари корхонаси, суғориш тармоқлари бошқармаси, мебел ва электр тармоқлари корхоналари, айниқса, катта ёрдам беришди. Хуллас, бугунги кунда боғимиз жаннатмакон бир гўшага айланган. Ишонмасангиз, Наманганга ташриф буюриб сўлим, баҳаво боғда мириқиб дам олинг, шунда ўзингиз гувоҳ бўласиз унинг тароватига ва гўзаллигига!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

АЖДОДЛАРИМИЗ ЯРАТГАН БУЮК ДУРДОНА

Маълумки, ЮНЕСКОнинг 1999 йил Париж шаҳрида бўлиб ўтган 30-сессиясида «Авесто»нинг 2700 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Асосий тантаналар «Авесто» ватани - Ўзбекистонда шу йил октябр ойида бўлади.

Нукусда бўлиб ўтган «Авесто» - Ўрта Осиё халқлари тарихида» мавзуидаги илмий-амалий анжуман ҳам шу улуғ санага бағишланди. Унда мамлакатимизнинг таниқли тарихчи олимлари, археолог ва элшунослари, йирик илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари қатнашди.

Олимлар ўз маърузаларида Турон заминида шаклланган Зардуштийлик динининг бу китоби «Авесто»нинг пайдо бўлиши эрамиздан олдинги минг йилликларга бориб тақалишини таъкидлади. «Авесто» ота-боболаримизнинг сиёсий, фалсафий қарашлари, маънавий мероси ҳамда маданий ҳаётини ўрганишда асл манба сифатида бебаҳо қийматга эга.

Маънавиятимиз сарчашмалари

НАСАФЛИК АЛЛОМА

Абул Мўъийн ан-Насафий - XI-XII асрда яшаб ижод қилган йирик аллома, ўз даврининг таниқли имоми, мотуридия таълимотининг тарғиботчиларидан бири.

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ушбу аллома меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан таниқли олимлар аждодларимиз меросини ўрганишнинг аҳамияти, Абул Мўъийн ан-Насафийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапирди.

- Абул Мўъийн ан-Насафий ҳақида шу пайтга қадар жуда оз маълумотга эга эдик, - дейди Тошкент Ислом университети исломшунослик илмий-тадқиқот марказининг бош илмий ходими У.Уватов. - Аммо изланишларимиз бесамар кетмади. Айрим муҳим маълумотларга эга бўлдик. Абул Мўъийн ан-Насафий номи билан шуҳрат қозонган аллома 1027 йили Насаф ҳудудида, ҳозирги Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида таваллуд топган. Узоқ йиллар Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод қилган. Олим 1114 йили 87 ёшида вафот этган. Тарихий манбаларда келтирилишича, алломанинг ўн бешга яқин асари бор. Айниқса, унинг «Баҳр алкалом», «Табсират ал-адилла» номли асарлари машҳур бўлган. Калом илмининг баъзи масалалари батафсил ёритилганлиги ва услубининг соддалиги жиҳатидан «Табсират ал-адилла» ўз вақтида ал-Мотурйдийнинг «Китоб ат-Тавҳийд» асаридан ҳам юқори баҳоланган.

(ЎзА).

Бу дунёнинг ишлари

АСАЛГА ТОМГАН ОҒУ

Ошхонада кечки овқатга масаллиқ тўғраётган Сулувбека ўғлининг овозини эшитиши билан юраги орқага тортиб кетди. «Ишқилиб тинчлик бўлсинда».

— Уйим куйди, онажон, дадамга тезроқ телефон қилинг...

— Нима гап, яна машинани уриб олдингми?

— Ҳа, уриб олдим, одам ўлдирдим, - ўғли телбалардек атрофга олазарак боқар, вужуди қалтирарди.

— Ҳеч ким кўрмадими? - овозини пастлатиб сўради Сулувбека.

— Бекатда одам кўп эди. Четроқда иккита қиз турган экан. Уларни қўрқитмоқчи бўлиб, ҳазиллашиб, тўғри машинани устларига ҳайдагандим, рулни бошқаролмай қолдим...

Сулувбека телефонга ёпишди. Аксига олгандек эри ишхонада йўқ экан.

Сулувбека йиғлаб чапак чалганича қолаверди... Ички ишлар бошқармасида ҳамма гапдан хабардор бўлган эри икки соатлардан сўнг бошини эгиб уйга қайтди.

— Нима деган одам бўлдим. Ўғлим қотил, хотиним мендан сир яширади. Оиласини бошқара олмаган одам бошқаларга қандай раҳбарлик қилсин!

Шу пайтгача эрининг мансабидан умидвор бўлиб турганди, унинг сўзидан Сулувбека қалқиб тушди. Ўғлини севиб, кўнгилчанлик қилиб яширган сири яҳодек оиласидаги ҳаловатни ютиб, емириб, вайрон қилиб бораётганлигига барибир ишонгиси келмасди... Аммо ғишт қолипдан кўчган, этак билан ёпилган ой унинг сирини яширинча элга фош этар, пушаймон юрагини қиймаларди. Ахир у ёлғизгина ўғлига ёмонлик тилармиди?! Аммо қачон хатоликка йўл қўйди. Унинг хаёллари учқур қуш мисол ўтган кунларини таҳрир қилишга киришди...

Бир куни ўғли синфдош ўртоғининг машинасини ҳайдаб келди.

— Онажон, қаранг, машина ҳайдашни ўрганиб олдим, - мақтанди ўғил.

Сулувбека сутдек оппоқ «Волга»ни бошқараётган ўғлининг катта бўлиб қолганидан қувонди. Худога шукр қилди.

Кейин ўзининг зарур иши чиқиб ўғлини отасининг машинасида бозорга юборди. Ўғли ғириллаб бориб, оғирини енгил қилганидан боши осмонга етди-ю, аммо буни эридан яширди.

Олдинига онасидан изн сўрайдиган ўғил кейинчалик ўзбошимчалик билан машинани гараждан олиб кетадиган бўлди. Бир куни кўчадан шумшайиб келиб, бировнинг «Нексия»сини уриб кетганини айтиб йиғлади. Тузатишга яхшигина ақча кетди.

— Отанг билмасин, - деди шўрлик она.

Эрка ўғил орадан ўн беш кун ўтмай машинани симёғочга уриб олди, Сулувбека зирагини сотиб, ўғлининг ҳожатини чиқарди. Бироқ яна эрига ҳеч нарса демади. ДАН ходимлари балоғатга етмаган, ҳужжатсиз рулга ўтирган йигитчадан машинани бир неча бор олиб қўйишди. Сулувбека раҳбар эрининг номини «сотиб», машинани олиб берарди.

Ота бу воқеалардан бехабар, она эркатой ўғлининг айбини ундан сир сақлар, ўғил эса онанинг меҳру ишончини поймол қилиб, кунора бир ишкал чиқарарди.

Асалнингда кўпи заҳардан ёмон. Онасининг эридан сир яширганини кўриб, у ҳам ёлғончиликни ўрганди. Оиладан файз-барака кўтарилди, хотиржамлик кетди.

Оиланинг саранжом-саришталиги, бахту қувончи, келажаги ва заволсизлиги аёллар, оналар қўлида, деб бежиз айтмайдилар. Қаердаки она доно ва тадбиркор бўлса, ўша ерда мард, жасур, ориятли эркаклар камолга етади. Тасаввуф илмининг пиру комили Фаридиддин Аттор шундай башорат қилган эдилар. «Агар минг олам билан пайваста бўлсанг ҳам, у фарзанд пайвасталигича бўлмас, фарзанд ғамидан фориғ фақат Парвардигорнинг ўзидир, бандаси болам — фарзандим деб умр ўткаради».

Аслида фарзандга муҳаббат дунёга муҳаббатнинг бир бўлагидир. Лекин бу муҳаббат кишини оиласи манфаатининг қулига айлантирмаслиги керак. Япон олимларининг сўнгги тадқиқотларига кўра, дунёдаги 70 фоиз жиноятлар, фарзанд ва оила манфаатидан келиб чиқар экан.

Фарзанд — инсон умрининг гултожи. Оқил-доно фарзандлар эса ота-онанинг номи, эзгу ишлари, доно фикрларини давом эттирувчилардир. Тоабад, биз, миллат оналари фарзандларимизни шундай тарбиялайликки, меҳру муҳаббатимиз уларнинг умр йўлига соя бўлмай, нур бўлсин, чироқ бўлсин.

Амина ҚОДИРОВА.

Олис қишлоқ спорти

«АССАЛОМ» футбол жамоаси

Хатирчида шу номдаги фермер хўжалиги, мана бир неча йилдирки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланиб келмоқда.

«Ассалом» қошида бир суткада 3,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган кичик консерва заводи, макарон, нон цехлари фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорлар ўтган йилни 5,5 миллион сўм соф фойда билан якунлашди.

«Ассалом» йил бошида яна бир хайрли ишга қўл урди. Қишлоқдаги мактабнинг 10 ўқувчисига ҳар чоракда рағбатлантирувчи мукофотлар тайинлади. Шунингдек, бир ногирон оиласини ўз оталиғига олди.

«Ассалом»нинг қишлоқ ёшларидан таркиб топган «Ассалом» футбол командаси айниқса шуҳрат топди. Маҳоратли спортчилардан иборат бу жамоа ўтган йили вилоят турнирида хатирчиликлар шарафини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Шоҳруҳ САРИЕВ.

Китоб жавонингизга

РУҲ ДОНИШМАНДИ ҲАҚИДА РИСОЛА

Алишер Навоий «Туркистон мулкининг шайхул машойихи» дея таърифлаган Хожа Аҳмад Яссавий туркий халқлар маънавий ва рухоний ҳаётида юқори мавқе тутган буюк сиймолардан бири.

У зот нафақат мақомат ва тариқатда, балки шеъриятда ҳам ўзига хос йўл соҳиби, инсоннинг басират кўзини Руҳ ва Кўнгил оламига қарата олган улуғ шахс. Яссавий гўзал ахлоққа нафсни таниш ва енгиш, ҳаётнинг завқу шавқига илм-маърифат орқали, ишқнинг турфа ҳолларига саховат, таслимият, сабру сукут орқали етишни тарғиб этган мутасаввиф шоир. Унинг фалсафий тафаккури, теран мушоҳадаси бўлган ҳикматлар барча давр учун бирдек аҳамиятлидир.

Яқинда адабиётшунос олим И.Ҳаққуловнинг мақомоти олий ва машҳур бўлган мазкур зот ҳақида маълумот берувчи «Аҳмад Яссавий» номли рисоласи Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиқди. Унда Аҳмад Яссавийнинг таржимаи ҳоли, яссавийлик тариқати, ҳикматлардаги ғоя ва мақсадлар батафсил ёритилган. Бундан ташқари, китобда «Дафтари соний» — «Девони ҳикмат»дан олинган гўзал шеърлар ҳам ўрин олган. Кенг китобхонлар учун ёзилган ушбу рисола Ҳақ ва инсон муносабатларини кўнгил йўли билан ҳал этишда катта натижаларга эришган тасаввуф шеъриятининг ғоя ва тимсоллар олами ҳақида маълумот бериши билан ҳам қимматлидир.

Насиба БОЗОРОВА.

Собир Раҳимов туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан 1992 йил 16 июнда Ахунова Ҳалима Ортиқбоевнага берилган А-036493 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2324. 1 2 3 4 5 6